O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 11-MART ■ PAYSHANBA ■ 28 (27.203) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ, МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА

**«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан:

муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — резервга;

муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — захирага бўшатилсин.

2. 1977-1986 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2004 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда, Қуролли Кучларнинг чақирилувчилар билан сифатли бутланишини таъминлаш мақсадида, жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини, шунингдек Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқароларни қўшинларга тантанали кузатиб қўйишни ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Ғ.Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғ.Ғуломов) билан биргаликда чақирув участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, чақирилувчиларнинг зарур лаборатория текширувлари ўтказилишини, уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан сифатли ва ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин. Чақирилувчиларни тиббий текширишнинг холислиги муқобил тиббий комиссияларнинг самарали ишлашини ташкил этиш орқали таъминлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.А.Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Р.Иноятов), ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари:

муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни қўшилмаларга ва қисмларга қабул қилишда юксак уюшқоқликни, ҳарбий интизомни, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини, муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни ҳарбий мутахассисликларга ўқитиш жараёнида хавфсизлик чора-тадбирларига риоя этилишини, ҳарбий хизматчиларни миллий-маънавий қадриятлар ва замонавий ҳарбий анъаналар асосида маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни;

янгидан чақирилган шахсий таркиб учун зарур уй-жой-маиший шарт-шароитлар яратилиши ва жиҳозланишини, уларнинг белгиланган талабларга ва таъминот нормаларига мувофиқ ўз вақтида ва сифатли моддий таъминланишини;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳалла қўмиталари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаган фуқароларни тантанали кутиб олиш ташкил этилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (О.О.Обидов) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда Қуролли Кучлардан бўшатилган фуқароларни уларнинг эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар давлат муассасалари, ташкилотлари ва корхоналарига ишга қабул қилишда мардлик ва ватанпарварлик тарбиясининг армия мактабини ўтаган, ҳарбий тайёргарлик кўрган ва ҳаётий тажриба орттирган, мамлакатнинг энг фаол ва тайёргарлик кўрган кадрлар захираси ҳисобланган шахслар сифатида бошқа тенг шароитларда (таълим, касб малакаси ва бошқалар) устунлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (С.С.Ғуломов) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (Б.М.Исмоилов), алоқадор вазирликлар, идоралар билан биргаликда:

муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролардан бўлган шахсларни олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун сифатли тайёрлаш мақсадида зарур шарт-шароитлар яратсин;

мамлакатнинг олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун тест синовлари ўтказишда муддатли ҳарбий хизмат давомида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори кўрсаткичларга эришган ҳамда ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларини олган фуқаролар учун энг юқори тўпланадиган баллнинг 20 фоизи миқдорида қўшимча баллар тарзидаги қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзларни ҳисобга олсин.

8. «Ўзтелерадио» компанияси (А.К.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов) ёшларни Қуролли Кучларда хизмат қилишга тайёрлашнинг бориши, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилиши, чақирув комиссиялари иши, сафарбарлик чақируви резервида хизматнинг ташкил қилиниши ва Қуролли Кучлардан резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилиши оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 10 март.

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 март куни Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) ижрочи котиби Чжан Дэгуанни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ташкилот доирасида ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан мамнуният билдирди.

Маълумки, ташкилотнинг шаклланиш жараёни тўлиқ ниҳоясига етказилиб, унинг таркибий тузилмалари ишга туширилди — Пекинда котибият, Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолият бошлади. Энди ШҲТ ўзининг вазифаларини бажаришга киришмоқда.

Жумладан, ташкилотнинг илгариги олий даражадаги учрашувлари ташкилий масалалар, ШҲТ фаолиятининг йўналиш ва тамойилларини белгилашга бағишланган бўлса, жорий йилнинг июнь ойида Тошкентда ўтказилиши мўлжалланаётган саммитида унинг олдида турган вазифалар, долзарб муаммоларга эътибор қаратилиши кутилмоқда. Ч.Дэгуаннинг ташрифидан кўзланган яна бир мақсад шу, саммитга ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари юзасидан фикр алмашишдир.

ШҲТ минтақада хавфсизликни таъминлаш борасида олти аъзо давлат — Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг баҳамжиҳат ҳаракатига йўл очди. Ўзига хос жиҳати шундаки, ташкилотни тузиш мақсадлари сирасига кўп томонлама асосда савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам киради.

Оқсаройдаги учрашувда ШҲТ фаолияти, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон — Хитой муносабатлари, Афғонистондаги вазиятга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

*Далаларда кўклам нафаси*





## «С-6425» — ПЛЁНКА ОСТИГА

«С-6425» — бу, пахта чигити нави. Капсулланган бу нав уруғлар сўнгги йилларда ўзининг ўсиши, ривожланиши, касалликлар ва зараркунандаларга чидамлилиги, ҳосилдорлиги ҳамда эртапишарлиги билан деҳқонларга маъқул келмоқда.

— Биз ҳам асосий пахта майдонимизга айни шу уруғни плёнка остига экишни бошлаб юбордик, — дейди Наманган вилоятидаги Уйчи туманининг Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Зокиржон Аҳмедов. — Мақсадимиз Меҳр ва мурувват йилида ҳар қачонгидан кўп ва сифатли «оқ олтин» хомашёси етказиш.

**Абдунаби ҚОРАБОЕВ**

✧✧✧

**Суратларда:** хўжалик бошқаруви раиси З.Аҳмедов О.Турсунов бошлиқ пудратчилар даласида; плёнка остига уруғ қадалаётган пайт.

**Пўлатжон АКБАРОВ олган суратлар**

*Меҳр-мурувват чегара билмайди*

## «ЎЗБЕКИСТОН ЮРАГИМГА ЯҚИН ЮРТ»

**Кеча Россия Тиббиёт Фанлари академиясининг академиги Л.А.Бокерия раҳбарлигидаги А.Н.Бакулев номли юрак-қон томир жарроҳлиги илмий маркази (ЮТЖИМ) ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.**

Эзгуликнинг қаноти бор, дейдилар. Зеро, меҳр, оқибат туйғулари миллат, мазхаб танламайди — умумбашарга хосдир.

Дунёга дуврукли россиялик тиббиётчи олим Лео Антонович Бокерия Президентимизнинг ташаббусини қўллаб-қувватлади ва юртимизда ўтказилаётган меҳр-мурувват ишларига ҳисса қўшиш учун ташриф буюрди.

Кечанинг ўзидаёқ академик Лео Бокерия раҳбарлигидаги етакчи мутахассислар ўзбекистонлик тиббиётчилар билан ҳамкорликда академик В.Воҳидов номли Республика ихтисослашган жарроҳлик марказида икки нафар бемор болада юрак жарроҳлиги ўтказди.

Академик Бокерия жарроҳлик муолажасини тамомлагач, республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашув ўтказди. Анжуманни вазир Феруз Назиров очди. Ушбу нуфузли халқаро учрашувда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Фарит Муҳаметшин, тиббиёт муассасаларининг раҳбарлари, етакчи олим ва мутахассислар иштирок этди.

— Ўзбекистон юрагимга яқин юрт, — дея сўз олди академик Бокерия ҳаяжонини яширмай. — 1966 йилнинг май ойида илк бор Тошкентга «Студент қурилиш отряди» таркибида келгандим. Мудҳиш зилзила рўй берган пайтда юртингизнинг одамлари нақадар самимий, олижаноб, бیродарлашган яхлит катта оила эканлигини кўриб меҳрим тушганди. Бугунги Ўзбекистоннинг жамолини, очиғи, таниб бўлмайди, катта ўзгаришлар амалга оширилибди. Тиббиёт соҳасида, очиқчасига айтаман, улкан ислоҳотлар бажариляпти.

Бугунги операциянинг олдингиларидан фарқи нимада? Маълумки, дунёда юрак жарроҳлигининг кўплаб усуллари бор. Аммо жаҳонда бразилиялик олим Батиста усули кўпроқ қўлланади. Биз «Батиста»дан воз кечдик, юракнинг нуқсонли қисмини олиб ташлаш эмас, «тирилтириш», «даволаш» каби усулларни қўллаяпмиз. Ўзбекистон деб аталган юртингиз тиббиётнинг бешиги. Малакали мутахассислар кўп. Бугунги ҳамкорликдаги операциядан кейин ишонч ҳосил қилдимки, улар шу кетишда кетса, тез орада бизни «қувиб ўтади». Бунинг сабаби битта — Ўзбекистонда тиббий ислоҳотлар жадал бораяпти, янги жаҳоний андозаларга мос тиббий масканлар қурилибди, асбоб-ускуналар, моддий-техника базаси бор. Аҳолининг моддий жиҳатдан кам таъминланган қатламига тиббий хизмат кўрсатиш, уларни ижтимоий муҳофазалаш тўғри йўлга қўйилган. Тиббиётда чегара йўқ. Бемор бор. Мурувват бор. Аслида шифокор дегани инсонга шафқат, мурувват кўрсатиш демакдир. Ҳамкорлигимиз азалий, абадийдир.

Академик Лео Бокерия раҳбарлигидаги меҳр-мурувват кўрсатиш делегация вакиллари мамлакатимизда шу йилнинг 13 мартигача хайрия тадбирларини ўтказишни режалаштирган.

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

*Мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этмоқда*

## ДЎСТОБОДДА АРЧАЗОР

Баҳор ўлкамизга ташриф буюриб, борлиқда уйғониш, яшариш, янгиланиш зуҳур бўлмоқда. Мевали боғлар гулга буркаиб, далалар деҳқону боғбонларни имлаб бағрига чорлаяпти. Шундай кезларда Наврўз байрами олдидан анъанавий умумхалқ ҳашарига шайланган Қуйичирчиқ туманининг Дўстобод шаҳри аҳли хўп ажойиб саъй-ҳаракатга бел боғлашди.

Улар Самарқанд вилоятидан 2000 туп арча кўчатлари олиб келиб, шаҳар кўчаларига ўтқазишни режалаштирдилар. Шунингдек, ҳашар кунлари шаҳарнинг ёшу қариси аҳиллик билан эрта тонгдан катта ҳажмда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари ижросига киришишади. Бажарилган ишлардан тушган маблағ Меҳр ва мурувват йўлидаги савобли ҳамда хайрли тадбирлар жамғармасига ўтказилади. Янги арчазорлар парваришига боғбонлар, йўлсозлар, маҳалла оқсоқоллари ҳозирдан масъул этиб тайинланди.

**Абдусаид НУРБОЕВ**



## «ДИПЛОМАТЛАР БОҒИ» КЕНГАЙТИРИЛДИ

Ҳашар ўзбек халқининг энг бебаҳо ва қадимий удумларидандир. Шу анъана туфайли бинолар кўтарилган, каналлар қазилган, дамбалар қурилган, боғу роғлар барпо этилган.

Куни кеча «Экосан» Халқаро жамғармаси ташаббуси билан академик Р.Шредер номидаги республика боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида кўкаламзорлаштириш ойлигига бағишланган экологик тадбир ўтказилди.

«Экологик ва саломатлик кунлари»га бағишлаб ўтказилган бу тадбирда кўпгина мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, Олий Мажлис депутатлари, фан ва маданият арбоблари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ходимлари, журналистлар, эл севган санъаткорлар иштирок этдилар. Ҳашар қатнашчилари институт ҳудудига турли навдаги дарахт кўчатлари экиб, «Дипломатлар боғи» майдони янада кенгайтирилди. Ҳашар иштирокчилари институт музейида ҳам бўлиб, унинг бой коллекцияси билан танишдилар.

**Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ**

## КОБУЛДА ҲАМ ОЛМА ГУЛЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорига биноан Афғонистоннинг Балх вилояти ва мамлакат пойтахтини кўкаламзорлаштириш учун 11 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчатларидан иборат инсонпарварлик ёрдами жўнатилди.

Наврўз байрами арафасида юборилган инсонпарварлик ёрдами жабрдийда афғон халқи учун ўзига хос туҳфа бўлади. Дарахт кўчатлари шаҳар кўчалари, Мозори-Шарифдаги Амур Темур номидаги боғ ҳамда буюк ўзбек шоири ва файласуфи Заҳириддин Муҳаммад Бобур қабри жойлашган Кобул шаҳридаги «Бобур боғи»га етказилади.

Инсонпарварлик ёрдамини расмий топшириш маросими чегара ҳудудида жойлашган Ҳайратон аҳоли пунктида бўлиб ўтди. Унда Афғонистон Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари, Балх ва Ҳайратон маъмурияти раҳбарлари, маҳаллий ва хорижий журналистлар иштирок этишди.

**«Жаҳон» АА**

## АСОВ ВА АЗИМ АМУДАРЁ УСТИДА

### НАВРЎЗ БАЙРАМИ АРАФАСИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЯНА БИР УЛКАН КЎПРИК ҚУРИЛИШИ НИҲОЯСИГА ЕТАДИ

Қариялар ҳамон эслашади: илгарилари дарёнинг ўнг ва чап қирғоқларидаги қуда-анда халқ: ўзбек ва қорақалпоқлар орасида борди-келди ёзнинг тошқин тўлқинлари даврида қайиқлар ёрдамида амалга оширилар, бир қийин, бир азоб эди, у кунлар... Қиш чилласида эса дарё суви музлагач, ўзига хос «муз кўприк» пайдо бўлар ва қатнов «муз кўприк» орқали таҳлика ҳамда таваккал билан олиб борилларди. «Муз кўприк» дарз кетган пайтларда машина-ю от-араваси билан муз тагига кетган бандалар қанча...

2-бет





BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL» XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

(Давоми. Боши 1-бетда.)

1970-80-йилларда «кўприк масаласи» шўролар пойтахтидаги катта йиғинларда бот-бот кўтарилди, сўнгра халқ ноиблари ўз сайловчиларининг наказларини «дастурхон» қилишди. Ўшанда московлик «халқпарвар сиёсатдон»лар наказдан осонгина қутилиб қўя қолишди — ҳарбийлар ишлатилавериб адо бўлаёзган фонтон кўприк ҳадя қилишди. Шу билан муаммо ҳал қилинди гўё.

Тарих ҳақиқатни ёқтиради. Амударё дарё бўлибдики, унга улкан қатнов кўприги солиш орзу бўлиб келди. Чор Русияси ҳарбий мақсадларда Чоржўй ёнига кўприк қурганига асрдан ошди. «Термиз — Ҳайратон» кўприги ҳам нима мақсадларда қурилганини яхши биламиз.

Илк бора дарё устида тинчлик мақсадларида кўприк қуриш — мустақил давлатимиз чекига тушди.

**В.АНОРБОЕВ, 14-кўприк қурилиш отрядининг бригада бошлиғи:**

— Амударё автомобиль-темирйўл кўпригини республикамизнинг 7-кўприк қурилиш тресли, 13-,14-,67-,68-кўприк қурилиш отрядлари ҳамда «Осиё кўприк» фирмаси бунёдкорлари қисқа фурсатда бунёд этишди. Қиш чилласининг қаҳратон совуғида ишлашимизга тўғри келди. Саратонда дарё тошганда ёки баҳорги кучли шамол-довуллардаги машаққатлар ҳам ишнинг вақтида, сифатли якунланишига тўсиқ бўла олмади. Қиймати 25 миллиард 556 миллион сўмлик улкан қурилиш айни муддатда бажарилди. Узунлиги 681 метр бўлган темир конструкцияли кўприкни ўн битта таянч устунлари кўтариб туради. Отрядимиз зиммасига ана шу устунларнинг саккизтасини ўрнатиш тушди. Ҳатто дарё тубида ўта қаттиқ қатламга дуч келганимизда ҳам иродамиз бўшашмади. Иш икки сменада ташкил этилиб, ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилди...

**Боғот туманидаги «Барчин» фермер хўжалиги бошлиғи С.САФОЕВ** сўзи:

— Деҳқонга нима керак? Техника, кимёвий ўғит... Аммо воҳани марказий шаҳарлар билан боғлаб турадиган темир йўл ва автомобиль йўлларининг қўшни давлатлар орқали ўтиши бу маҳсулотлар таннархининг бир неча карра ошиб кетишига сабаб бўларди. Эндиликда кўприк қурилиб ишга тушгач, албатта ана шу ортиқча тўлов ва харажатлардан халос бўламиз. Бу, биз деҳқонлар ва фермерлар учун Юртбошимиз томонидан яратиб берилаётган навбатдаги имтиёз, навбатдаги мурувват деб ўйлайман.

Яқинда кўприксозлар ишини бориб кўрдим. Оталарига балли, уларнинг. Ўша куни мен уларга (олти юз нафар кўприксоз) ўз даромадим ҳисобидан тушлик ташкил қилдим...

**Б.ШЕРОВ, Тўрткўл йўл қурилиш отряди прораби:**

— Ўнг қирғоқда жойлашган Мискин манзилида дарё кўпригигача бўлган ўн беш километрлик биринчи даражали йўл тайёр. Унда асосан Қорақалпоғистон Республикаси йўлсозлари ишлашди. Энди Хоразмдан келаётган автотранспорт воситалари ҳеч бир тўсиқсиз «Нукус — Самарқанд» йўлига бир пастда чиқиб олади. Ҳам сиёсий, ҳам стратегик аҳамиятга молик иншоот...

Бу кўприк энг аввало одамлар учун, уларни хавф-хатардан асраб, узоғини яқин қилиш учун барпо этиляпти. Бу кўприк тадбиркору бизнесменлар, хўжалигу ташкилотлар юкини енгил, харажатини камайтириб, даромадини кўпайтириш учун хизмат қилади. Бошқача айтганда, бу кўприк мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга, қут-баракани оширишга бебаҳо ҳисса қўшади...

Тез кунлар ичида ишга тушиши орзиқиб кутилаётган «Амударё» кўприги ҳақида барчанинг фикри шу. Куни кеча биз энг сўнгги ишлар амалга оширилаётган мазкур иншоотда бўлдик. Одамлар билан суҳбатда уларнинг фикрларига қулоқ осдик. Улар иншоотга аллақачон ном ҳам қўйишга улгуришибди: МУСТАҚИЛЛИК КЎПРИГИ!

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

Мустақиллик иншоотлари



# АСОВ ВА АЗИМ АМУДАРЁ УСТИДА

## НАВРЎЗ БАЙРАМИ АРАФАСИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЯНА БИР УЛКАН КЎПРИК ҚУРИЛИШИ НИҲОЯСИГА ЕТАДИ



Суратларда: кўприк қурилишининг якуний босқичидан кўринишлар.

**Саъдулло БОБО олган суратлар**

Қадрият — ўзликни англаш

# БУЗРУКВОРГА ЭҲТИРОМ

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан бухороликлар яна бир хайрли ишга қўл урдилар. Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий таъриф берган Хожа Исматуллоҳ Бухорий қабри ва унинг теварак-атрофини ободонлаштиришга киришилди. Хўш, Хожа Исматуллоҳ Бухорий ким бўлган, ул зотдан бизга қандай мерос қолган?

— Илму адаб аҳлига олтин бешик бўлган улуғ даргоҳ — Бухорои Шарифнинг мўътабар фарзандларидан бири, — дейди профессор Фарҳод Қосимов, — XIV аср охири ва XV аср ўзбек ва тожик адабиётининг йирик намояндаси шоир, олим ва файласуф Мавлоно Хожа Исматуллоҳ Бухорийдир. Оддий халқнинг жонли тилида Хўжа Исмат деб юритиладиган бу алломанинг тўлиқ номи Хожа Фахриддин Исматуллоҳи Бухорий бинни Хожа Масъуд бўлиб, у адабий тахаллус сифатида «Исмат», «Исматуллоҳ» номларини танлаган. «Бухорий» унинг Шариф шаҳар фарзанди эканлигига ишора қилса, «Фахриддин» шоирнинг унвонидир. Ул зотнинг таваллуд саналари манбаларда 1365-1379 йиллар оралиғида деб қайд этилган. Шоирдан қолган мерос 20 минг мисрага яқин шеър ва қасидалардан иборатдир.

Шўро тузуми даврида юртимиздаги азиз-авлиёлар номи таҳқирланди, уларнинг зиёратгоҳлари вайрон қилинди. Минг афсуски, Хожа Исмат мақбарасининг қисмати ҳам аянчли бўлди. Бу ердаги мозор, чашма текислаб юборилди. Мовароуннаҳр бузрукворини хотирасини халқ дилидан ўчириш учун кўплаб уринишлар бўлди.

— Хайриятки юртимиз мустақил бўлиб маънавиятимиз илдизларига қайтиш, ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тиклаш учун бугун кенг имкониятлар яратилди, — дейди тасаввуфшунос олим, шоир Садриддин Салимов. — Энди вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан бу табаррук зиёратгоҳ қайтадан тикланадиган бўлди.

Дарҳақиқат шундай. Бу ерда Хожа Исматуллоҳ Бухорий боғи яқин кунлар ичида барпо этилади.

— Хожанинг қабрлари устида эса Бухоронинг ўзига хос меъморий услубида тўрт устунли мақбара қад ростлайди. Гумбазли бу иншоотнинг баландлиги 13 метр бўлиб, улуғвор кўриниш касб этади. Бундан ташқари, меъморий обиданинг ўнг томонида масжид барпо этиш ҳам кўзда тутилган, — дейди вилоят бош меъмори Маҳмуд Аҳмедов.

Шуниси қувончлики, бу ишлар ҳам худди Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолиқ Ғиждувоний зиёратгоҳларини обод қилишдагидек ҳашар йўли билан бажарилади. Бу хайрли иш эса бухороликларнинг улуғ боболарига бўлган ҳурмат-эҳтиром рамзига айланишига ҳеч шубҳа йўқлигига яна бир далолатдир.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ҲАЁТНИНГ МЕҲВАРИ — АЁЛ

ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши қошида 6 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Бибихоним» аёллар клуби қизиқарли дастурлари билан эл оғзига тушган. Клубнинг яқинда ўтказган навбатдаги тадбири молия-иқтисод коллежида бўлиб ўтди. «Ҳаётнинг гулшани, меҳвари — аёл» мавзуидаги йиғилиш хотин-қизларда катта таассурот қолдирди. «Бундай тадбирларни ўтказиш клубимиз учун анъанага айланган, — дейди «Бибихоним» аёллар клуби раҳбари Дилбар Имомова. — Мақсад, аёлларимизнинг жамиятда тутган ўрни борасида ёшларга кўпроқ маълумот бериш».

Йиғилишда театрлаштирилган томоша ва концерт дастурлари намойиш этилди. Айниқса, «Икки авлод учрашуви» мавзуидаги суҳбат талабалар учун алоҳида аҳамият касб этди.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Тадбир

# РЕКЛАМА — ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳаллий маҳсулотлар рекламаси учун 2003 йилда 1 миллиард 327 миллион сўм сарф қилиниши режалаштирилган эди, бироқ бу кўрсаткич 696 миллион сўмдан ошмади.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида идоралараро Кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Вазирлар Маҳкамаси ишчи президиуми тасдиқлаган «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларини кенг реклама қилиш тадбирлари»нинг бажарилиши ҳамда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ўтган йилда товарларни реклама қилиш бўйича олиб борилган ишлар юзасидан ахборот тингланди.

Мажлисда уюшмалар, компаниялар, бирлашмалар томонидан ушбу тадбирларнинг бажарилиши етарли даражада эмаслиги қайд этилди. Жумладан, маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар томонидан телевидениеда реклама учун 232 миллион сўм, радиода 38 миллион сўм, босма ахборот воситаларида атиги 100 миллион сўм сарф этилгани таъкидланди. Ташқи реклама учун 326 миллион сўм сарф қилинган. Масалан, собиқ «Озиқовқатсаноат» уюшмаси томонидан ўтган йилда реклама учун 518,03 миллион сўм режалаштирилгани ҳолда атиги 86,71 миллион сўм, «Ўзқурилишматериаллари» компаниясида режалаштирилган 85,72 миллион сўм ўрнига 26,8 миллион сўм, «Ўзавтосаноат» уюшмасида 257,9 миллион сўм ўрнига 122,29 миллион сўм маблағ сарф этилганлиги афсусланарлидир.

«Ўзгўштсутсаноат» ДАУ, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси, «Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси, «Файз-Холдинг» компаниясига қарашли корхона ва ташкилотлар ўтган йил ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рекламаси учун умуман маблағ ажратмаган.

Шунингдек, йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари ҳокимликларининг ўтган йилда «Реклама тўғрисида»-ги Қонуннинг бажарилиши, жумладан халқ истеъмоли маҳсулотларининг рекламасини ташкил қилиш ва амалга ошириш юзасидан бажарилган ишлар бўйича ахборотлари тингланди.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

## ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАБ

Ўзбекистон ХДПнинг кўплаб ташкилотлари ташаббуси ва ҳамкорлигида жойларда байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Жумладан, партия **Қашқадарё вилоят ҳамда Муборак туман кенгашлари** ташаббуси билан Муборак шаҳридаги «Муборакнефтгаз» унитар шуъба корхонасига қарашли дам олиш масканида тадбир ўтказилди. Байрам тадбирига ХДП аъзоларидан фаол аёллар, илғор хотин-қизлар таклиф этилдилар. Вилоят партия кенгаши биринчи котиби О.Равшанов ва бошқа сўзга чиққанлар аёлларнинг жамиятдаги мавқеи, хусусан, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўрни тобора юксалиб бораётганлиги тўғрисида гапириб, уларни байрам билан табрикладилар. Тадбирда концерт дастури намойиш этилиб, илғор хотин-қизларга ХДП вилоят кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Урганч шаҳрида ўтказилган «Урганч маликаси — 2004» кўрик-танловининг ташкил этилишида **ХДП Хоразм вилоят кенгаши** ҳам фаол иштирок этди. «Энг эпчил қиз» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритган Урганч шаҳар маиший хизмат коллежи талабаси Г.Собировага партия кенгашининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғаси топширилди.

## ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАЁТИДАН

**Ўзбекистон ХДП Олтиариқ, Зомин, Қува туман кенгашлари**нинг пленумлари бўлиб ўтди. Уларда партия ташкилотларининг жорий йилдаги устувор вазифалари, Меҳр ва мурувват йили дастури доирасида бажариладиган ишлар ва қатор бошқа масалалар кўрилди. Муҳокамадаги масалалар юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Пленумларда, шунингдек, ташкилий масалалар кўрилди. Рафиқ Ўрмонов, Баҳриддин Қурбонов, Иминжон Хонкелдиев Ўзбекистон ХДП Олтиариқ, Зомин, Қува туман кенгашларининг биринчи котиблари этиб сайландилар.

**Партия Денов туман кенгаши** И.Тўраев номли ширкатлар уюшмаси бошланғич партия ташкилоти негизида қишлоқ хўжалиги тармоғида БПТлари котибларининг амалий семинарини ўтказди. Туман партия кенгаши биринчи котиби А.Бўриев БПТлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари тўғрисида маъруза қилди. ХДП МК Котибиятининг мазкур масалага оид 2003 йилда чиқарган қарори юзасидан бажарилган ишлар таҳлил қилинди. Семинарда сўзга чиққан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ш.Шерқобилов, И.Тўраев номли ширкатлар уюшмаси раиси С.Раҳмоновлар қишлоқ хўжалиги ислоҳотларини амалга оширишда БПТнинг ўрни ҳақида тўхталдилар, ўз таклифларини билдирдилар.

**ХДП Жиззах вилоят кенгаши**да шаҳар, туман ва йирик бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жорий йилда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайловда партия ташкилотларининг иштироки якунлари ҳамда агросаноат мажмуидаги фермер хўжаликларида ташкил қилинган партия гуруҳлари фаолиятини жонлантириш масалалари кўриб чиқилди. Улар юзасидан қатор партия кенгашлари биринчи котиблари сўзга чиқиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**Жиззах вилоят партия кенгаши** хайрли бир ташаббусни амалга оширди. Меҳр ва мурувват йили дастури юзасидан ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртларида таҳсил олаётган кам таъминланган, ночорроқ оилалар фарзандлари, ногирон ўқувчилардан 618 нафарига вилоят ҳудудида жамоат транспортидан бепул фойдаланадиган чипталар тарқатилди. Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, ХДП аъзоси Парда Зиёев, вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ж.Исроилов, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи И.Тиркашов ва бошқалар иштирок этдилар.

**Қарши туман партия кенгаши** давлат ва қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Ёшлар — гиёҳвандликка қарши» мавзуида маданий-маърифий тадбирни ташкил қилди. Унда ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари, бир гуруҳ ёшлар иштирок этдилар. Тадбирда қатнашган туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари У.Ибрагимов ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари ёшларга наркоманиянинг оқибатлари, бу борада ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб бердилар ва уларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Шунингдек, **Асака шаҳар, Пахтаобод, Шаҳриҳон, Фурқат, Наманган, Чортоқ, Чуст туман партия кенгашлари** ҳам Меҳр ва мурувват йили доирасида қатор маъданий-маърифий, оммавий-сиёсий тадбирларни ўтказдилар.

Журналист текшируви

# ОЛОМОНЛИК

## БАЛИҚЧИ ТУМАНИДАГИ ҚИШЛОҚЛАРДАН БИРИДА ЎҒРИЛИКДА ГУМОН ҚИЛИНГАН КИШИ АҲОЛИ ТОМОНИДАН КАЛТАКЛАНДИ, ГУМОНДОР ВАФОТ ЭТДИ. СУД УШБУ ВОҚЕАДА МАҲАЛЛАНИНГ 13 ВАКИЛИНИ АЙБДОР ДЕБ ТОПДИ. АММО...

«Шум бола» асарида шундай воқеа ҳикояси бор: бозорда «ур-ур» деган бақириқлар эшитилиб, одамлар бир кишини дўппослай кетди. Издиҳом ичида қолган фақир жонсиз ҳолга келтирилгандан сўнг тўпланганлар бир-биридан сўрай бошладилар: «Нима айб иш қилган экан, гуноҳи не экан шўрликнинг?..» Самолётни «баҳайбат бир қуш», Германияни «гермон деган бир махлуқ» сифатида тасаввур қилган XX аср бошидаги қолоқ оломон орасидан, буни қарангки, ҳозиргина ўзлари уриб ўлдирган кишисининг айби не эканлигини билгувчи кимса топилмади.

«Пахтакор» ширкат хўжалигига қарашли «Эшончек» маҳалласида рўй берган шунга ўхшаш воқеада яна ўша қолоқликни рўкач қилиш мумкин. Тўғри, ҳали етарли даражада ҳуқуқий саводхон эмасмиз. Дунёдан хабардорлигимиз, огоҳлигимиз кам. Аммо, саводнинг камлиги учун авом одамларни айблаш адолатдан эмас. Оломонлик аслида ниманинг маҳсули ва бунинг учун ким ўзини кўпроқ айбдор санаши лозим...лигини аниқлаб олиш керак!

«Эшончек» бирор катта йўл ўтмайдиган ичкариликда жойлашган. Туман маркази — Балиқчигача 20-25 км. Маҳаллада асфальт кўрмаган кўчалар оз эмас. Бир вақтлар қурилган ҳайбатли маданият уйи бугун ҳувиллаб ётибди. Телефон алоқаси тўғрисида...

Дарвоқе, агар ўша машъум тун туман марказига сим орқали боғланиш имкони бўлганида эди, бечора Эрали Матмиратов бугун тириклар сафида юрган бўлармиди? Уни ушлаб олганликлари ҳақида ички ишлар бўлимига хабар қилиш учун борганлар бунинг иложини қилолмадилар. Носозлиги туфайли 5 апрелдан 6 апрелга ўтар кечаси бутун «Пахтакор» ширкат хўжалигида, хусусан, «Эшончек» маҳалласида ҳам телефон алоқаси ишламаган.

Ушбу ҳолат ҳам, назаримизда, воқеликнинг асосий сабабларидан бири кўринади. Ўтган қишдан бошлаб маҳаллада ўғирлик ҳодисаси кўпайган. Кекса мураббий Шамсиддин ҳожи Мираҳмедовнинг айтишича, бир тунда 5-6 хонадонни ўғри урган ҳолатлар бўлган. Масалан, у кишининг уйидан газ қозони, алюмин бидон ва ҳоказолар ўғирланган пайтда Абдираҳим Қодировнинг хонадонида велосипед ғойиб бўлади. Умиджон Шарипов, Шуҳрат Маталиев, Равшанбек Усмонов, Норбой Юнусов ва Уминса Раҳмоновалларникидан ҳам велосипед ўғирланган. Ўғри қаймоқ олиш асбоби, ҳатто кафгиру чўмичгача тинч қўймади. Вазият охир-оқибат шу ҳолатга етганки, одамлар офтобаю оёқ кийимлари ҳамда идиш-товоқларини ҳам ўзлари ухлайдиган уйда сақлайдиган бўлишган. «Маҳалла фуқароларининг хонадонларида майда ўғирликдан тортиб то велосипед, газ қозони, сув бидонлари, алюмин идишлар ва бошқа нарсаларни ўғирлаш оммавий тус олди. Аммо ҳеч ким ўғрини ушлай олмади», — дейди «Эшончек» маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Жўраев. — Афсуски, ўғрини топа олмаслик охир-оқибат қонли воқеа содир бўлишига олиб келди.

Ўғрилик ва тунги нотинчликдан зада бўлган маҳалла аҳли ўғрини ушлаш учун маҳалланинг турли бурчакларида тунги навбатчилик ташкил қилдилар. Улар охири ўз кучлари билан ўғрини ушламоқчи, ўз уйларини ўзлари асрамоқчи бўлдилар.

Барибир, ўғри ҳаммага чап бераверди. Кимнингдир катагидан товуғи, кимнингдир омборхонасидан қопдаги тамаки йўқолганлиги ҳақидаги хабар тонгда маълум бўларди. Ҳатто ноинсоф ўғри қишлоқ қабристонидаги 2 дона кўрпачаю 1 дона шолчани ҳам, қўяверингки, гўр ковлайдиган белкуракларни ҳам тунаб кетди, — дейди қабристон қоровулининг хотини Насиба Мамадалиева.

Қаҳр-ғазабга тўлган одамлар ўғрини тутиб ололмай овора эдилар. Ушбу воқеа бўлишдан икки кун илгари эса Гайназар Матмусаевнинг ҳовлисидан қаймоқ оладиган аппарат — сепаратор билан овқатга ишлатиш учун олиб қўйилган гўшт ўғирлаб кетилган.

...6 апрелга ўтар кечаси (2003 йил) маҳаллада «ўғри ушланибди» деган овоза тарқалди. Эшитганлар: «Ҳар куни оромимизни бузадиган, қозонимиздаги гўштни ҳам кўп кўрувчи ким экан?» деган қизиқиш ва нафрат билан трактор гаражи томон юрдилар. Қабристон ёнидаги «пост»дагилар ярим кечаси, тахминан соат 01.00да шубҳали юрган кишини ушлаб олишган ва шахсини аниқлаш учун ёруғроққа — трактор гаражи қоровулхонасига олиб келишган эди.

Ушланганнинг кимлиги аниқланди. У қўшни қишлоқлик, илгари ўғрилик жинояти билан бир неча йил қамалиб чиққан Эрали деган йигит экан. Тўпланганлар «маҳалладаги шеригинг ким?» деб уни сўроққа олишди. Кимдир шапалоқ тортди, кимдир мушт туширди, бошқаси қўл-оёғини боғлаб қўйди.

Айтишларича, маҳалладаги икки кишининг исми тилга олинган. Уларни топиб юзлаштириш учун одамлар юборилди. Эралини ушлаб олганлардан бири посбон Ортиқали Исақов вазиятнинг кескинлашиб бораётганини тушунди. Участка нозирига хабар бериш учун милиция таянч пунктига борди, ҳеч ким йўқ эди. Жамоа идорасидан телефон қилмоқчи бўлди, ишламади. Идорадаги навбатчи ҳосилот Садирдин Қодировга вазиятни тушунтирди — тутқунни тезроқ туман ИИБга олиб бориш керак.

Унинг машинасида гаражга келишди. Ҳосилот кийимбоши жиққа ҳўл, юзлари моматалоқ кишини машинасининг тоза ўриндиғига ўтқизишга ирганди. Ва тутқун қутурган оломон ичида қолаверди.

Эралини кимдир калтаклар, кимдир «урманглар, қўлини ечиб юборинглар» дея уни ҳимоя қиларди. Баъзилар қоровулхона эшигидан мўралаб, томошабин бўлиб туришарди. Улардан бири — Шерзод деган йигитни отаси келиб «аралашма, тинч ўтир» дея олдига солиб кетди. Чилласи чиқмаган куёвбола Ғайрат эса Эралини тергов қилаётган отаси томонидан уйига жўнатиб юборилди. Ҳожиматов Нозимжон деган йигит қўли-оёғи боғлиқ Эралига раҳми келиб сув узатди. У сувни силтаб юборди. Жаҳли чиққан Нозимжон унинг юзига шапалоқ тортди. Кимдир тепди, кимдир муштлади. Вазият оғир. Посбон йигит энди Маҳмуд Чинбердиевга мурожаат қилди: Эрали Матмиратов олиб кетилмаса бўлмайди. М.Чинбердиев ҳам унамади. Фақатгина унинг машинасида посбон туман марказига — участка нозирининг уйига хабар бериш учун жўнайдиган бўлди.

Оломон томонидан сўровсуриштирув, юзлаштирув ва тергов-турткиловлар давом этиб, тонг ёришгач, одамларга маълум қилиш учун тутқунни гараждан сал наригроқдаги масжид ёнига олиб боришди. Шўрлик олган жароҳатлари натижасида ҳушдан кетиб борарди. Уни ҳушига келтириш мақсадида масжид яқинида турувчи Маҳмудов Обиджондан челак олиб, устига сув сепишади. Ўша апрель тонги совуқ эди.

Туман марказидан етиб келганлар Эрали Матмиратовни масжид яқинидаги газ қувурига боғланган, устибоши ҳўл, юзлари моматалоқ ва жонсиз ҳолатда кўрдилар.

Андижон вилоят суди судьяси М.Тўланов 2003 йилнинг 24 октябрида буни бир гуруҳ бўлиб қасддан одам ўлдириш жинояти сифатида малакалаб (ЖК 97-модда, 2-қисмининг «Ж,П» бандлари), 13 одамга нисбатан ҳукм ўқиди. Апелляция инстанцияси ҳукмни тўғри деб топди.

# ЁНИЛҒИ ТАЪМИНОТИ ТРАНСПОРТ ҚАНОТИ

Бугун мамлакатимизнинг қай бир бурчагига қараманг, замонавий услубда қурилиб, фойдаланишга топширилаётган автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаларини кўриб дилингиз қувнайди. Фикримизнинг далили сифатида биргина Тошкент шаҳрининг ўзида шу кеча-кундузда 90 дан зиёд хусусий АЁҚШлар мавжудлиги ва уларнинг туну кун тўхтовсиз фаолият кўрсатишлари учун катта миқдордаги ёнилғи тасарруф этилишини назарда тутсак, бу «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси тизимидаги ташкилотлар зиммасига қанчалик масъулият юкланганини биламиз.

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясида бўлиб ўтган очиқ мулоқотда ҳам асосий эътибор шаҳарда жойлашган хусусий АЁҚШларни вақтида ёнилғи билан таъминлаш ва транспортлар қатновидаги узилишларга барҳам бериш ҳамда айрим мавжуд муаммолар ечимини топиш чора-тадбирларига қаратилди. Унда мавжуд хусусий АЁҚШлар раҳбарлари ва вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси раиси Абдусалом Азизов йиғилганларга жорий йилнинг ўтган икки ойи мобайнида қилинган амалий ишлар 2003 йилнинг шу даврига таққосланганда анча самарали бўлганлигини далил ва рақамлар асосида таҳлил қилиб берди.

Тошкент шаҳрида шу кеча-кундузда 223 мингдан зиёд автотранспорт воситаси мавжудлиги ва бу автоуловлар учун ёнилғи маҳсулотлари етказиб беришда узилишларга йўл қўймаслик учун масъулиятни янада ошириш долзарб эканлиги ҳақида ҳам атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Биргина мисол, ўтган 2003 йилнинг январь-февраль ойларида мавжуд АЁҚШлар учун етказиб берилган ёнилғи миқдори жорий йилнинг айни шу ойларида 11 фоизга ўсган. Бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг самараси эканлигидан далолатдир.

Йиғилишда қўлга киритилаётган ютуқлар барқарорлигини таъминлаб, муттасил ўсишга эришиш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди, ана шундай очиқ мулоқотларни нафақат Тошкент шаҳрида, балки республикамизнинг бошқа қатор вилоятларида ҳам ўтказишга келишиб олинди.

**Соҳибжон САЛИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## 30 ТА ЎРНИГА 17 ТА



Россия Президенти Владимир Путин ҳукуматнинг янги таркибини эълон қилди. Эндиликда таркиб 30 тадан 17 тага қисқартирилди. Бош вазир ўринбосарлари эса аввалгидек 6 та эмас, балки 1 та қилиб белгиланди. Шундай қилиб бош вазир ўринбосари Александр Жуков бўлди. У аввал давлат думасининг вице-спикери бўлган. Муқаддам Россия Федерациясининг Европа Иттифоқидаги вакили бўлиб ишлаган Михаил Фрадков эса 5 март куни мамлакат Президенти ва давлат думаси томонидан бош вазирликка тасдиқланган.

Айтиш лозимки, кўпгина вазирликлар бирлаштириб юборилди. Жумладан, Алоқа вазирлиги Транспорт вазирлигига, Федерал мулк агентлиги ва Федерал мулк жамғармаси эса Иқтисодий ривожланиш ва савдо вазирлигига қўшилиб кетди. Маданият вазирлиги билан Матбуот вазирлиги бирлашиб Маданият ва ахборот вазирлигини ташкил этди. Маориф вазирлиги эса эндиликда илм-фан билан ҳам шуғулланади, яъни икки вазирлик бирлаштирилиб, Маориф ва фан вазирлиги ташкил этилди.

Давлат бошлиғининг матбуот хизмати маълум қилишича, ҳозир «Ижроия ҳокимиятининг федерал органлари тизими ва таркиби тўғрисида» Президент Фармони тайёрланмоқда.

Янги таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг биринчи мажлиси бугун бўлиб ўтади.

# XORIJDA

## ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Гаити Олий судининг собиқ раиси Бонифас Александр мамлакат Президенти вазифасини бажарувчи сифатида қасамёд қабул қилди. Унинг давлат бошқарувини қабул қилиш тантанали маросими хорижий тинчлик кучларининг кучайтирилган қўриқлови остида бўлиб ўтди. У Гаитининг собиқ экс-президенти Жан Бертран Аристид ўрнини эгаллади.

Ҳозир мамлакатда зўравонлик ва тўс-тўполонлар авж олган. BBC News хабар беришича, ўғриликлар кучайган. Турли гуруҳлар ўртасида тўқнашувлар, «разборлар» давом этмоқда. Уларни тўхтатишга полициянинг кучи етмаяпти.

## МУДДАТДАН АВВАЛГИ САЙЛОВ

Македонияда шу йил 14 апрель куни мамлакат президентлигига муддатидан аввал сайлов бўлиб ўтади. Бу ҳақда мамлакат ҳукумати Reuters мухбирига маълум қилди.

Хабарингиз бор, Македония Президенти авиаҳалокат натижасида февраль охирида оламдан кўз юмган эди.

## ПАРРАНДА ОВИ ТАҚИҚЛАНДИ



Қозоғистон Республикаси ўрмон ва овчилик хўжалиги қўмитаси буйруғига биноан шу йил 1 мартдан эътиборан парранда ови тақиқланди. Тақиқлов муддати 10 майгача қилиб белгиланди. Ундан кўзланган мақсад шуки, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида кенг тарқалган «парранда грипп»дан сақланиш ва профилактика ўтказишдир. Негаки, кўпгина паррандалар ўша ўлкаларда қишлаб, энди бу томонларга учиб келмоқда.

## ЭЛЧИХОНА ҚАЙТА ОЧИЛАДИ

Украинанинг Ироқдаги элчихонаси қайта иш бошлайди. Бу ҳақда Украина Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати бошлиғи Маркиян Лубкивский «Новости» агентлигига маълум қилди.

Элчихона хавфсизлигини таъминлаш учун Украина Ташқи ишлар вазирлиги яқинда 16 кишилик гуруҳни жўнатди.

Маълумки, Украина бундан салкам бир йил аввал Ироқда уруш бошланиши муносабати билан ўз элчихонасини кўчириб кетган эди.

## «FORBES»ДА ЁЗИШЛАРИЧА...

Америкада чоп этиладиган Forbes журнали бу йил ҳам анъанавий тарзда дунё бойваччалари рўйхатини эълон қилди. Маълум бўлишича, 2003 йилда миллиардерлар сони ва уларнинг сармоялари жиҳатидан АҚШ биринчи ўринни олган бўлса, Германия иккинчи ўринни эгаллаган. Россия эса учинчи ўринга кўтарилган.

Шуниси диққатга сазоворки, Россияда кўплаб янги-янги миллиардерларнинг номи рўйхатда қайд этилган. Уларнинг умумий сармояси 1,9 триллион долларга тенг экан.

Умуман, янги номлар орасида инглиз ёзувчиси Жоан Роулингнинг номини алоҳида қайд этиш лозим. Негаки, митти сеҳргар Гарри Поттер ҳақидаги китоби нашрдан чиққач, унинг сармояси 1 миллиард доллардан ошиб кетди.

Миллиардерлик борасида Microsoft (компьютер технологияси бўйича) раҳбари Билл Гейтс ҳануз биринчиликни ҳеч кимга бермай келмоқда. Унинг сармояси 46,6 миллиард долларга тенг.

## ЁМҒИР МАВСУМИ БОИС...

Маълумки, Мозамбикда октябрдан февраль охиригача ёмғирли мавсум бўлади. Шу даврда бу ерда касалликлар кўпаяди. Бу йил эса вабо кенг тарқалди ва бу ўтган йилдагига нисбатан олти марта кўп қайд этилди.

Мамлакат соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Аида Либомбонинг парламентда қилган маърузасида айтилишича, бу йилги ёмғир мавсумида 68 киши вабо туфайли оламдан кўз юмди. Жами 10977 киши айнан шу касаллик инфекциясидан азият чекмоқда. Ўтган йили эса 1700 киши касалланган бўлса, шундан 47 нафари ҳаёт билан видолашган эди.

Касаллик асосан мамлакат пойтахти Мапутуда кенг тарқалди. Сабаб: аҳоли зич ва шаҳарнинг санитария ҳолати ачинарли аҳволда. Касалликка чалинганларнинг 64 фоизи шаҳар аҳолисига тўғри келади. Январь охирида эпидемия, айниқса, авжига чиқди. Ўшанда кунига 400 бемор шифохоналарга мурожаат этган. Ҳозир касаллик аста чекинмоқда.






Япония кўчаларида

«Ташаббус — 2004»

# ИМОМАЛИГА ТАРАФ ЙЎҚ

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган анъанавий «Ташаббус — 2004» кўрик-танловининг Фарғона вилояти бўйича якунларида кичик бир «овоза» рўй берди. Кўрик-танловда деҳқончилик ва чорвачилик соҳасида беллашганлар орасида Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалиги раҳбари Имомали Назаров учинчи марта вилоятнинг «Энг яхши фермери» деб топилди.

Бу албатта Фарғонада унинг издошлари кам, бошқа фермерлар «Умид» эришган кўрсаткичларга яқинлаша олмаяптилар, дегани эмас. Аксинча, ғолиб хўжалик бир карра ғолибликка эришгач, ишлаб чиқаришга янги технологияларни янада муттасил жорий этиб, ер ва чорва ҳосилдорлигини мунтазам ошириб борганлигидан далолат. Даромад ҳам шунга яраша бўлмоқда.

Танловда Учкўприк туманидаги «Меҳригиё» кичик корхонаси раҳбари Алижон Абдураззоқов «Энг яхши тадбиркор», риштонлик кулол Икромжон Қамбаров эса «Энг яхши ҳунарманд» деб эътироф этилди.

**Алишер ИБОДИНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Диққат, янгилик!

# «СУМАЛАВИТ» — СИЗ УЧУН

Наврўз байрами арафасида Тошкент шаҳридаги «Канон Фарма» фирмаси Ўзбекистон бозорига янги маҳсулот — ундирилган буғдой экстрактидан тайёрланган «Сумалавит» биологик фаол озуқа қўшимчасини тақдим этди. Аждодларимиз қадимдан баҳорги дармонсизлик ва камқувватлик ҳолатига барҳам бериш мақсадида ундирилган буғдойдан тайёрланган сумалак истеъмол қилишни тавсия этганлар.

Буғдойни ундириш жараёнида унинг таркибидаги витаминлар ва саломатлик учун муҳим бўлган микроэлементлар миқдори бир неча ўн баробар ошиб кетади. Бунинг натижасида унган уруғнинг тирик қуввати организмнинг ички кучларини, унинг ўзини-ўзи тозалаш ва тиклаш каби хусусиятларини рағбатлантиради.

«Сумалавит» қўшимчаси ундирилган буғдой, андиз ҳамда ширинмия илдизлари экстрактларидан тайёрланган бўлиб, таркибида C, B1, B2, B6, E витаминлари ҳамда кальций, темир, магний, мис, хром ва марганец микроэлементлари мавжуд. «Сумалавит» қўшимчасининг рецепти 3 йил давомида фармацевтлар, биологлар томонидан яратилди.

Кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики, «Сумалавит» воситаси болалар ва қарияларга, ҳомиладор аёлларга, ақлий ва жисмоний фаолият билан шуғулланувчилар учун фойдали эканлиги исботланди. Бундан ташқари «Сумалавит»нинг организм иммунитетини ошириш, шлаклардан тозалаши, овқат ҳазм бўлишига ёрдам бериши, мия ва юрак фаолиятини яхшилаши мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда.

«Сумалавит» қўшимчасига Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Давлат Санэпидемиология назорати томонидан 030799 рақамли сертификат берилган.

**Маъмуржон МАҲМУД,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Мулоҳаза

# МУКАММАЛЛИК САРИ

## ЁКИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАР ФАОЛИЯТИГА МУНОСАБАТ

«Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент Фармони суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш, суд ишларини адолатли ва ўз вақтида кўрилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Муҳими, мазкур фармон асосида судларнинг ихтисослашуви жорий этилди: фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича судлар ташкил топди. Бу эса фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг судларда ишларни тўғри ва сифатли кўриб чиқилишининг амалий кафолати бўлмоқда.

Назарий билимларни мустаҳкамлаш йўлида институт томонидан суд ва прокуратура идораларида амалиёт ўташга юборилганимизда судлар, жумладан, фуқаролик бўйича судлар фаолиятига алоҳида қизиқиш билан қарадик.

Маълумки, кундалик ҳаётда одамлар орасида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар тез-тез учраб туради. Меҳнат шартномалари, никоҳ тузиш ёки никоҳни бекор қилиш, ота-онанинг болага ёхуд боланинг ота-онага таъминот бериши, уй-жойга киритиш ёки турар-жойдан кўчириш, ундан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотиш, олди-сотди, ҳадя, умрбод таъминлаш шарти билан уйни бошқа шахсга бериш, айирбошлаш, қарз, гаров каби шартномаларни тузиш ёки уларни бекор қилиш, меросхўр бўлиш ва меросни қабул қилиш каби муносабатлар шулар жумласидандир. Оддий бир мисол: сиз билан биз ҳар куни турли юмушлар билан ишга ёки ўқишга бораётганимизда жамоатчилик транспортига мурожаат қиламиз, яъни ўз-ўзидан фуқаровий-ҳуқуқий муносабатга киришамиз. Бунда транспорт идораси йўловчини манзилга етказиб қўйиш мажбуриятини, йўловчи эса ўз навбатида йўл ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бирор тарафнинг ўз мажбуриятини бажармаслиги ёки етарли даражада бажарилмаслиги низо келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунга ўхшаган низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш айнан фуқаролик ишлари бўйича судлар ваколатига киради.

Кўриб турганингиздек, фуқаролик судининг иш юритув объекти ниҳоятда кенг, турли хил ва мураккабдир. Демак, фуқаролик судлари турли хил ихтисос асосида низоларни ҳал этар экан, келажакда ушбу судлар замирида меҳнат, оила никоҳ, олди-сотди шартномалари каби нисбатан кўпроқ учрайдиган муносабатларга доир низоларни кўриб чиқадиган суд ҳайъатларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди. Бу ҳол судьяларнинг касбий маҳорати ошишига, шунингдек одил судловни таъминлашга, унинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига замин бўлади.

Яна бир масала. Ҳозирги кунда кўпгина фуқароларимиз ўз ҳуқуқларининг баъзи бир мансабдор шахслар томонидан поймол этилганлиги ёки бузилаётганидан нолишади. Шундай ҳолда уларнинг кўпчилиги бузилган ҳуқуқларининг тикланишини сўраб юқори идораларга мурожаат қилишади. Лекин ҳар доим ҳам улар кўзлаган мақсадларига етиша олмайдилар. Яъни, мурожаат қилинган идоралар тегишли жойларга мурожаат қилишни тушунтириб бермайдилар ёки турли хил сабабу баҳоналар билан уларни қайтариб юборадилар. Бундай ҳолда оддий фуқарода давлат идораларига, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан норозилик кайфияти пайдо бўлиши табиий.

Ваҳоланки, мамлакатимиз Конституциясида ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Фуқароларимизнинг кўпчилиги айнан шундай оддий ҳуқуқларини етарли даражада билмаслиги юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг кундалик ҳаётимизда тез-тез учраб туришига сабаб бўлмоқда. Бу эса бевосита фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражаси билан боғлиқлигини яна бир бор исботлаб турибди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш ўринлики, эркин фуқаролик жамиятига асосланган демократик давлат қуришни мамлакатимиз ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, бу ўз навбатида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний ҳимоя қила билишига, ҳуқуқий маданияти етарли даражада шаклланишига боғлиқдир.

**Шерзод ЮЛДАШЕВ,**
**ТДЮИ талабаси**

# ОҚИБАТЛАРИ

Буни қарангки, суд ҳукми билан қасддан одам ўлдирган, деб топилганлар орасида воқеанинг томошабинлари куёвбола Ғайрат Узоқов ва Шерзод Юнусов ҳам, қоровулхона эшигини очиб берган Ғайрат Иляминов ҳам, шунингдек, Э.Матмиратовни ушлашдагина қатнашиб, сўнг уйига қайтган Дилмурод Мираҳмедов ёки челак олиб чиққан Обиджон Маҳмудовлар ҳам бор.

Воқеликдан, кўриниб турибдики, судланувчиларнинг бирортасида одам ўлдиришга қасд ҳам, мақсад ҳам бўлмаган.

**Жалолиддин АББОСОВ, ҳуқуқшунос:**

— Тергов, аввало, судланувчиларнинг жиноятдаги иштирокчилик даражасига, яъни Э.Матмиратовнинг ўлимига сабаб бўлган жароҳатларни кимлар етказганлигига аниқлик киритиш учун қўшимча суд-тиббий экспертизаси ўтказиши шарт эди. Шунда ҳар бир иштирокчининг ҳаракати содир этган жиноятига кўра малакаланган ва адолатли хулосага келинган бўларди. Афсуски, ўн уч кишини бир қолипга солиб, ҳаммаси бир гуруҳ бўлиб Э.Матмиратовни қасддан ўлдирган деб адолатсиз ва асоссиз ҳукм чиқарилди. Ҳаммани бир хил рангга бўяшга умуман асос йўқ. Ахир марҳумни бир шапалоқ урганлар, унга сув тутқазганлар, ҳатто уни бир чертмаганлар ҳам қотил сифатида айбланиб, 10 йилдан 16 йилгача озодликдан маҳрум этилиши қайси қонун ва адолат меъёрига тўғри келади?!

**Абдуқаҳҳор ТЎРАЕВ, ҳуқуқшунос:**

— Бу воқеада ЖКнинг 97-моддасида кўрсатилган жиноят таркиби йўқ. Чунки ҳеч кимда ўлдириш мақсади бўлмаган. Қолаверса, суд-тиббий экспертизасида айтилишича, марҳум унга етказилган кўплаб жароҳатлар натижасида ҳалок бўлган. Ўлим етказилган тан жароҳатлари туфайли келиб чиққан экан, демак бу жиноят ЖКнинг 104-моддаси ёки 102-модда билан малакаланиши керак.

**Қодирали ДЎМАНОВ, адвокат:**

— Тергов ва суд аниқлик киритмаган айрим масалаларни санаб ўтаман:

1. Жабрланувчи Эрали Матмиратов бир неча маротаба судланиб, алоҳида хавфли рецидивист деб топилган бўлишига қарамай, у илгари қандай жиноятларни содир этганлиги, яъни шахсига оид ҳужжатлар жиноят ишига қўшилмади.

2. Эрали Матмиратовга нисбатан Шаҳрихон туман ИИБ дан маъмурий назорат ўрнатилган бўлса-да, ўрнатилган маъмурий назорат йиғмажилди ишга қўшилмади, маъмурий назорат ўрнатилиши бўйича масъул милиция ходими сўроқ қилинмади.

3. Олий суд пленуми қарорларининг 1991-97 йилги тўплами биринчи жилд 80-81-бетларидаги одам ўлдириш тўғрисидаги жиноят иштирокчиларининг олдиндан келишуви жиноятни ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «П» банди билан таснифлаш учун аҳамият касб этмаслиги, бу модда билан малакалаш учун жиноятнинг барча иштирокчилари жабрланувчини ўлдиришга қасд қилганлигини аниқлаш зарурлиги, одам ўлдириш учун ягона қасд билан ҳаракат қилган ва жабрланувчини ўлдириш жараёнида бевосита иштирок этган шахсларни жиноят иштирокчилари деб эътироф этиш кераклиги, агар бир гуруҳ шахслар томонидан жабрланувчининг соғлиғига шикаст етказилсаю, гуруҳ аъзоларидан бири қолган иштирокчиларнинг хаёлига келмаган ҳолда уни қаттиқ уриб ўлдирган бўлса, унинг бу ҳаракати ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «П» банди билан малакаланмаслиги, бундай ҳолатларда айбдорнинг қилмишини содир этилган жиноятнинг мотиви инобатга олинган ҳолда одам ўлдириш деб, жиноятнинг қолган иштирокчиларининг қилмиши эса бир гуруҳ шахслар томонидан жабрланувчининг соғлиғига етказилган шикаст деб малакалаш лозимлиги кўрсатилган. Афсуски, пленум қарорини бажаришга мажбур бўлган қуйи суд уни амалиётга татбиқ этмай барчага, хусусан, ҳимоямдаги Нозимжон Ҳожиматовга нисбатан адолатсиз ҳукм чиқарди.

**Гулсара АСРАНОВА, ҳимоячи:**

— Олий суд пленумининг 1996 йилги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти» борасидаги қарорининг 4-бандида бир неча шахс жавобгарликка тортилаётган қасддан одам ўлдириш тўғрисидаги ишларни кўришда, судлар ҳар бир судланувчиларнинг жиноятда иштироки, характери ва даражасини аниқлаш лозимлиги кўрсатилган. Аммо, суд бу талабга асло парво қилмади, ҳақиқатни аниқламади. Масалан, ҳимоямдаги Ғайрат Узоқов ишда фақат гувоҳ бўлиб ўтиши лозим эди. Чунки унинг марҳумнинг бирор жойига тан жароҳати етказганлиги исботланмади, судда ҳеч бир гувоҳ унинг урганлигини баён қилмади. Аммо, суд ҳаракатида жиноят таркиби йўқ чиллали йигитни қасддан одам ўлдиришда айблаб, 10 йил озодликдан маҳрум этди.

**Ҳасанбой АБДУРАҲМОНОВ, адвокат:**

— Ҳимоядаги Дилмурод Мираҳмедовнинг марҳумни урганлиги ёки сўкканлиги ҳақида судда ҳеч ким кўргазма бергани йўқ. Унинг Э.Матмиратовни ушлаб гараж қоровулхонасига олиб келишда иштироки бор, холос. Унга 13 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шерзод Юнусов эса бор-йўғи гувоҳ бўлиши мумкин. Қоровулхона эшигидан мўралаган Шерзодни отаси уйига олиб кетган. Маҳмудов Обиджоннинг айби марҳумни боғлаш учун ип олиб чиқиб берганида. Шерзодга 15 йил, Обиджонга 12 йил беришди. Уларга нисбатан қотиллик жиноятини юклаб бўладими?!

**Исмоилжон ШАМСИДДИНОВ, адвокат:**

— 10 йил озодликдан маҳрум бўлган Ғайрат Иляминов гараж қоровули бўлиб ишлайди. У қоровулхона эшигини очиб бергани учун шундай жазо олди.

Посбон Ортиқали Исақов Э.Матмиратовнинг ушлаб олинганлиги хусусида милицияга хабар бериш учун роса ҳаракат қилаяпти. Уни оломон ичидан олиб чиқишга зўр бериб уринмоқда. Айтинг, уни Э.Матмиратовнинг жонига қасд қилганликда айблаш мумкинмикин? Унда Э.Матмиратовни ўлдириш нияти бўлганида эди дастлаб ушлаб олгандаёқ қоровулхонага — ёруққа олиб келмасдан тинчитган бўларди-ку!

Кўриниб турибдики, тергов ҳамда суд иштирокчиларнинг ҳар бирининг ҳаракатига алоҳида баҳо бермай, барчага бир хил тўн кийдирган кўринади. Бизнингча, барчани тенг кўзда кўриш амалиётини жиноятни таснифлаш ва жазо тайинлашда татбиқ этиб бўлмайди. Ахир у айби не эканлигини билмай бегуноҳ инсонни калтаклаган оломоннинг қароридан фарқ қилиши керак-да.

Ҳеч бўлмаса, айблов хулосасини деярли шундоқ ҳукмга кўчириб қўя қолган суд тенглик бўлиши учун судланувчилар ва ҳимоячиларнинг ёзғириб кўрсатаётган асосларига бир назар ташлаб қўйишлари лозим. Уйдан соғлом чиқиб кетган Зиёдулла Мамадалиевнинг тергов ҳибсхонасида икки кўзидан ажраб қолганлиги ва унинг зўр бериб «ўзимга-ўзим жароҳат етказдим» дейишига қарамай экспертиза хулосасидаги **«ушбу тан жароҳатларининг жойлашуви ва характерига кўра ўзига ўзи етказиши эҳтимолдан узоқроқдир»** деган хулосасига, тенглик назаридан ҳам, қозиларимизнинг эътибор қаратишлари лозиммасмиди? Ёки кўзи ожиз кимсага нисбатан 13 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланаётганда кўпчилик судланувчиларнинг тергов сифати ва олиб бориш усулига нисбатан айтилган эътирозлари, хусусан, З.Мамадалиевнинг нега кўзи кўр бўлиб қолганлиги сабаби ўрганилиши, аниқлик киритилиши керакмасмиди?

Албатта, бир инсоннинг умрига зомин бўлган ушбу оломончиликни мутлақо оқлаб бўлмайди. Айбдорлар жазо олиши керак — айбига яраша. Лекин ҳар бир айбланувчининг айбини қилни қирқ ёргандек синчковлик билан кўриб, аниқлаш керак эмасмиди? — Бу ўта қийин иш, албатта. Аммо масала инсон тақдири билан боғлиқ бўлгани учун ҳам шундай қилиш шарт деб ўйлаймиз.

**Акбар ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

O'ZBEKISTON OVOZI

2004-YIL 11-MART

# КУТУБХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ЯХШИЛАНАДИ

Насафий номидаги Қашқадарё вилоят марказий кутубхонаси тўлиқ таъмирдан чиққани, энг замонавий ускуналар билан таъминланганлигига ҳеч вақт бўлгани йўқ. Ўтган йил охирида республикамиз вилоятлари марказий кутубхоналари мутасаддиларининг амалий семинари шу жойда ўтди ва эришилган ютуқлар тўла қайд этилди.

Очиғи, фақатгина марказий кутубхоналар ишини жонлантириш билангина бу соҳада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Вилоят ҳокимининг қабул қилган **«Шаҳар, туман кутубхоналари фаолиятини яхшилаш тўғрисида»**ги қарори бу соҳага нисбатан янгича муносабат бошланаётганининг дебочасидир. Унда биринчи галда кутубхоналар жойлашган биноларни тўлиқ таъмирлаш, замонавий техник асбоб-ускуналар, юмшоқ мебель, жавонлар билан жиҳозлаш, китоб фондини бойитиш мақсадида янги китоблар нашриётлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали келтирилиши кўзда тутилган.

Кутубхоналарда Президент асарлари, миллий истиқлол ғояларини ўрганиш марказлари ташкил этилади. Қарорда қишлоқ кутубхоналарини янги адабиётлар билан таъминлаш, вилоят марказий кутубхонаси билан модем ва электрон алоқаларни йўлга қўйиш ҳам белгилаб берилган. Бир сўз билан айтганда, бу тадбирлар кутубхоналар ишини яхшилаш сари янги қадамдир.

**Юнус УЗОҚОВ**

Орамиздаги одамлар

# ФИДОЙИЛИК ФАЛСАФАСИ

**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, тиббиёт фанлари доктори, профессор, II ТошДТИ госпитал терапия кафедраси мудири Тўхтасин СОЛИЕВ ҳаёти ва илмий фаолиятига чизгилар**



Олам яралгандан бошлаб инсоният моддий дунёнинг муносиб мезонларини кашф этган. Ҳар бир нарсанинг баҳоси, ўлчови бор. Лекин энг улкан тарози ҳам тортолмайдиган, ҳеч қандай ўлчовларга бўйсунмайдиган тамойиллар мавжудки, улар неча минг йиллар давомида бани башар авлодининг боқий фалсафаси сифатида яшаб келаётир.

Меҳр, фидойилик, муҳаббат, одамийлик каби ўлмас тушунчалар она алласиданоқ онг-шууримизга сингиб кетган. Биз бу муқаддас туйғуларни улғаяётган фарзандларимизга, ўз навбатида улар ҳам болаларига мерос қилиб қолдирадилар. Шу тарзда аждодлар ва авлодлар ўртасида мустаҳкам кўприк пайдо бўлади. Унинг ҳар бир устуни инсонийлик фалсафасидан сабоқ беради.

Қадим Фарғона... Унинг гўзаллигини мадҳ этмаган, танти, бағрикенг одамларини таърифламаган ижодкор кам топилади. Юртга, миллатга ўнлаб, юзлаб даҳоларни, буюкларни етиштириб берган бу қадим замин тарих зарварақларида муҳрланиб қолган.

Улуғ Бобур ўзининг «Бобурнома»сида, Муқимий «Саёҳатнома»да Фарғонанинг сўлим гўшаси Риштон ҳақида меҳр билан тўхталадилар. Бу ердан неча асрлар давомида оддий тупроқдан мўъжизалар яратаётган кулоллар сулолалари, дунё ҳуқуқ илмининг алифбосини яратган алломалар, шоирлар етишиб чиққан.

Тўхтасин Солиев ҳам мана шу кўҳна замин фарзанди. У болалигидан оддий лойда ҳам инсон қўли билан бутун оламни акс эттириш мумкинлигини англади. Бу ҳунармандларнинг қўллари қилич тутишга эмас, бежирим кулоллик буюмларини ясашга, унга мос ранглар топиб, суратлар чизишга мослашган эди.

Мана шу муҳитда улғайган бўлғуси олим инсон жисмида мўъжизалар яратиш орзуси билан яшарди. У одамлар чеҳрасида қувонч балқиши, энг катта бахт ҳисобланган соғлиқни сақлаш йўлларида изланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Ҳа, олдинда уни жумбоқли ҳаёт, босиб ўтилиши керак бўлган машаққатли йўллар кутаётганди. Риштоннинг Чиннигарон маҳалласидан мамлакат пойтахти Тошкентга, ундан дунёнинг энг баланд минбаларигача бўлган йўл уни олдинга, яна олдинга чорлар эди.

Бундан ярим аср илгари Чиннигаронда гап тарқалди: «Соли қорининг ўғли Тўхтасин Тошкентдаги энг катта дўхтирлик ўқишига кирибди». Ҳа, Тўхтасин Солиев ўз юртидан чиққан тўнғич шифокорлардан бири. У 1950-йилларда Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини тамомлаган. Тиришқоқлиги, изланувчанлигини сезган устозлари уни шу ерда қолиб илмий тадқиқот олиб боришга ундадилар. Уларнинг бу таклифига миннатдорчилик билдирган ёш шифокор: «Мен врачлик фаолиятимни ўз туманимда бошламоқчиман. У ердаги аҳволни яхши биласизлар, одамларга оддий тиббий хизмат кўрсатишнинг имкони йўқ. Болалар ногиронлиги кўпаймоқда... Шундай бир шароитда мен шаҳарда қололмайман», — деди.

Тўхтасин Солиев олий маълумотли шифокор дипломини олиб Риштонга келган илк кунларини яхши эслайди. У туман шифохонасидаги салкам ўн йиллик фаолияти давомида шифокорликдан бошлаб бўлим мудири, бош врач лавозимларида ишлади. Шу йиллар мобайнида у ўзига нимадир етишмаётганлигини сезар, ўз устида кўпроқ ишлагиси келар, лекин шароит етишмас, урушдан кейинги иқтисодий аҳвол оғир, одамларнинг боши меҳнатдан чиқмас эди. Бу орада бир неча ҳамюртлари ўрта ва олий тиббиёт мутахассислигини эгаллаб Риштонга қайтишди. Бундан руҳланган Тўхтасин Солиев илмий изланишлар олиб бориш мақсадида ўзи таълим олган даргоҳга қайтди.

Бу ерда уни қарши олган устози, машҳур олим, академик Зулфия Умидова шогирдига тиббиётдаги энг долзарб соҳа бўғим — бод-ревматоидли артрит касаллиги билан шуғулланишни маслаҳат берди. Ёш тадқиқотчи шу тариқа тиббиётнинг «ўзлаштирилмаган қўриқ ери» томон дадил қадам ташлади...

Аввал Москвада медицина фанлар академияси қошидаги Ревматология илмий-текшириш институтида профессор М.Астапенко раҳбарлигида таълим олди. Тошкентга қайтиб ушбу хасталик билан оғриган беморларни аниқлаш мақсадида эски шаҳар маҳаллаларини кезиб чиқди. Мустақил равишда беш мингга яқин аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиб, уларнинг ҳар юз нафаридан беш-олтитасида ревматоидли артрит касаллиги борлигини аниқлади. Лаборатория хулосалари олим томонидан олиб борилган машаққатли изланишни тасдиқлади. Шу тахлит етмишинчи йилларда номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Ушбу оғир хасталик билан оғриган беморлар Тўхтасин Солиевнинг муолажаларидан сўнг шифо топа бошладилар. Фанда янги йўналишга асос солинди.

Тиниб-тинчимас олимни яна бир касаллик туфайли азоб чекаётган беморлар аҳволи қизиқтириб қолди. Бу халқ тилида «бой касал» деб ном олган подагра эди. Бу борада нафақат ўзимизда, балки қўшни давлатларда ҳам тажриба йўқ, изланишлар олиб борилмаганди. Олимнинг илмий иши фанда янгилик бўлиб, тиббиётдаги фундаментал тадқиқотлардан эди. Шу тахлит тиббиёт фанида воқеа бўлган «Ўзбекистонда подагра» монографияси яратилди.

Шундай қилиб, Тўхтасин Солиев оддий шифокорликдан фан номзоди, сўнгра фан доктори, профессорликкача бўлган йўлни босиб ўтди.

Устоз олим ўз маҳоратини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан такомиллаштириб боришни мақсад қилиб қўйган эди. Домла ҳозирги кунда ҳам мамлакатимиз тиббиётига малакали кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Бевосита унинг ташаббуси билан Ўзбекистонда ревматология мактаби яратилди. Ушбу йўналишда қилинган ишлар жаҳон ревматология соҳасининг йирик мутахассислари томонидан эътироф этилди. Домла II ТошДТИ госпитал терапия кафедраси мудири, Республика ревматология маркази директори, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош ревматологи сифатида айни пайтда тиббиёт соҳасида катта ишларни амалга оширмоқда.

Ўтган йиллар давомида Тўхтасин Солиевнинг илмий раҳбарлигида учта докторлик, ўнта номзодлик диссертациялари тайёрланди. Бундан ташқари у ўнлаб ишларга бевосита раҳбарлик қилмаса-да, йўл-йўриқ кўрсатди. Кафедрада аспирант, магистр, клиник ординаторлар тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Уларга мавзу танлашда домла шахсий тажрибасидан келиб чиқиб, ревматологиянинг умуман ўрганилмаган қирраларига эътибор қаратишни маслаҳат беради.

Кафедрада ревматология хасталикларини турли гиёҳлар, Ўзбекистонда мавжуд бўлган табиий сувлар ёрдамида даволаш ишлари илмий асосланди. Домла ушбу ютуқларни жаҳон тиббиётига маълум қилиш мақсадида Польша, Австрия, Испания, Франция каби давлатларда ўтказилган ревматологлар симпозиумлари, анжуманларда иштирок этди. Олим қилган маърузалар дунёнинг кўзга кўринган йирик мутахассислари томонидан юқори баҳоланди. У бошчилик қилаётган кафедрада тиббиётнинг ушбу йўналиши бўйича жаҳонда тан олинган бир қатор илмий мактаблар билан алоқалар йўлга қўйилган.

Тўхтасин Солиев ташаббуси билан II ТошДТИ ревматологик ортопедия бўлими ташкил этилди. Бундан ташқари туман, вилоят марказий шифохоналари, умуман тиббиёт тизимида аҳолига малакали ревматологик хизмат кўрсатиш яхшиланди. Тегишли мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Мавжуд шифокорлар малакасини ошириш ишлари йўлга қўйилди.

Устоз Тўхтасин Солиев Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган Соғлиқни сақлаш ходими» унвонига сазовор бўлди. Бу домланинг салкам ярим асрлик машаққатли ва шарафли меҳнатига берилган юксак баҳо эди.

Бугун устознинг юзлаб, минглаб, шогирдлари турли лавозимларда, халқимиз саломатлигини сақлаш йўлида ҳалол меҳнат қилишмоқда. Бундан ташқари, домланинг оиласини ҳам «кичик шифокорлар академияси»га қиёслаш мумкин. Ота изидан борган тўрт нафар фарзанд шифокорлик касбини танлаган, кичиги эса муҳандис. Ҳа, устознинг тўрт йирик монография, 150 дан ортиқ илмий тадқиқотларидан ташқари, ҳаёт, муҳаббат инъом этган шоҳ асарлари ҳам бор. Булар — зукко шогирдлар, қобил фарзандлардир.

**Фаррух ҲАМРОЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Интер-спорт

## «Челси» чорак финалда

Лондоннинг «Челси» клуби чемпионлар лигаси учун курашда чорак финалга чиқди. Роман Абрамовичнинг жамоаси Германиянинг «Штутгарт» клуби билан такрорий учрашувда дарвозаси дахлсизлигини таъминлай олди. Бу ўйинда ҳисоб



очилмади. «Челси» дастлабки учрашувда 1:0 ҳисобида устун келган эди. Италиянинг «Ювентус» клуби эса Испаниянинг «Депортиво» жамоаси билан учрашиб, 0:1 ҳисобида имкониятни бой берди. Италияликларнинг чорак финалга чиқишлари учун бу ўйинда камида иккита тўп киритишлари лозим эди. Афсуски, бундай бўлмади. «Ювентус» ўйиндан чиқди.

## Холифилд яна рингни кўзламоқда

Ўта оғир вазнли собиқ жаҳон чемпиони, 41 ёшли Эвандер Холифилд яна рингга кўтарилмоқчи. Холифилднинг сўзларига қараганда, у Леннокс Льюиснинг собиқ мураббийи Эммануэл Стюард билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида музокара олиб бораётган экан. Маълумки, Холифилд сўнгги учрашувни бултур октябрь ойида ўта оғир вазнли Жеймс Тоун билан ўтказиб, ютқазган. «Агар мен ўзимга ишонмаганимда, яна жаҳоннинг мутлоқ чемпиони бўлишни орзу қилмаган бўлардим, — дейди боксчи. — Рингда WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Жон Руис ёки IBF йўналиши бўйича чемпион Крис Берд билан учрашишни истардим».

Маълумки, Холифилд жами 47 жанг ўтказиб, 38 ғалаба (25 таси нокаут)га эришган. Энг қизиқарли жанг Майк Тайсон билан бўлган ва «темир мушт» унинг қулоғини тишлаб олган эди.

## Ўртада гумон бор

9 март куни Мюнхенда «Мюнхен-1860» клубининг президенти Карл-Хайнц Вильдмозер билан унинг ўғли катта пора олганликда гумон билан ҳибсга олинди. Гап шундаки, 2006 йили Мюнхенда жаҳон футбол чемпионати ўтказиладиган ўта замонавий стадионни қуришда тендер бўйича Австрия қурилиш компанияси ғалаба қозонган.

Энди эса ана шу тендер сирларидан воқиф қилгани учун қурилиш компанияси Вильдмозерга 3 миллион еврога яқин пора берганлиги аён бўлиб қолди. Австрия томони эса қурилишга 280 миллион евро сарфламоқчи экан. Жаҳон чемпионатидан кейин бу стадионда «Мюнхен-1860» ва «Бавария» клублари тўп сурадилар. Балки пора беришда ана шу клубларнинг мутасаддилари ҳам аралашгандир, деган гумон бор. Мюнхен прокуратураси Вильдмозернинг молиявий фаолиятини текширишни бошлаб юборди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсинга умр йўлдоши
**Минаввархон МИРСАИДОВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

# ДУНЁ АЛПЛАРИ ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

Спорт

13-14 март кунлари пойтахтимизда юнон-рум кураши бўйича «Ўзбекистон мустақиллиги кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтади. Унда дунёнинг олтмишга яқин давлатидан икки юз нафар курашчи гиламга чиқиши кутилмоқда. Етти вазн тоифасида ўтказиладиган баҳслар иштирокчилари мусобақада нафақат медаллар, балки шу йил августда Афина(Греция)да бўладиган XXVIII ёзги олимпиадага бериладиган йўлланмалар учун ҳам курашадилар.

— Ҳозиргача юнон-рум кураши бўйича вакилларимиздан Алексей Чеглаков, Александр Доктороршивили, Аслиддин Худойбердиевлар олимпиада йўлланмаларини қўлга киритишган, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Комил Фатхуллин. — Бошланаётган халқаро турнирга спортчиларимиз пухта ҳозирлик кўрдилар.



Бу мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилувчи Камол Холматов (55 кг.), Баҳодир Қурбонов (66 кг.) ҳамда Дмитрий Круглит(84 кг.)лар ўз вазн тоифаларида олимпиада йўлланмалари учун гиламга чиқишади.

Беллашувлар «Ўзбекистон» спорт мажмуида уюштирилади. Турнир финалчилари Афина олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишади.

Шунингдек, бугун халқаро турнир доирасида ФИЛАнинг навбатдаги конгресси бўлиб ўтади.

**Суратда:** курашчиларимиз Баҳодир Қурбонов, Камол Холматов ҳамда Дилшод Ориповлар.

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат.**

# ОКСАНАНИНГ ЮТУҒИ

Спорт гимнастикаси бўйича Афина олимпиадасига йўлланма олган ҳамюртимиз Оксана Чусовитина шу кунларда мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Куни кеча Котбус (Германия) шаҳрида якунланган Жаҳон кубогининг навбатдаги босқичи баҳсларида у яна ўзини кўрсатди.

Оксана ўзининг севимли — таяниб сакраш машқида энг юқори кўрсаткичга эришди. Ҳамюртимиз 9,431 балл жамғариб, америкалик Шир (9,250) ҳамда Синклэр (9,174)ларни ортда қолдирди.

# ДЕБЮТАНТНИНГ ИККИНЧИ ҒАЛАБАСИ

Кеча футбол бўйича олий лига жамоалари XIII миллий чемпионатимизнинг иккинчи тур учрашувларини ўтказдилар.

Дастлабки турда ўз майдонида Мубораккнинг «Машъал» жамоасини мағлубиятга учратган (2:1) «Насаф» футболчиларининг бу сафар омади чопмади. Қаршиликлар Тошкентда олий лига дебютанти «Локомотив»га ютқазиб қўйдилар — 0:2. Эътиборлиси, ҳар иккала тўп муаллифи ҳам «Насаф»нинг собиқ футболчиси Учқун Қобилов бўлди. Бу пойтахтликларнинг мавсумдаги кетма-кет иккинчи ғалабасидир. Улар ўтган турда «Самарқанд-Д»ни йирик ҳисобда енгганди — 3:0.

Турнинг қолган учрашувлари қуйидагича якунланди: «Андижон» — «Навбаҳор» — 0:1 , «Нефтчи» — «Қизилқум» — 4:0, «Пахтакор» — «Самарқанд-Д» — 4:0, «Машъал» — Сўғдиёна» — 0:1, «Металлург» — Бухоро» — 3:0, «Сурхон» — Трактор» — 6:2.

Учинчи тур ўйинлари 15 март куни бўлиб ўтади.

**Эркин ХОЛБОБО**



# Ҳикматли сўзлар маъноси

## МОЛ ЎҒРИСИДАН ҚЎРҚМА, СЎЗ ЎҒРИСИДАН ҚЎРҚ

«Мол ўғриси у-бу нарсангни ўғирлаб кетса, бундан сен ҳаддан ташқари кўп азият чекмайсан, чунки орадан маълум бир вақт ўтгач, ўғирланган молнинг ўрни тўлиб кетади. Аммо, сўз ўғрисидан ниҳоятда эҳтиёт бўл! Кишилар орасида айтадиган ҳар бир сўзингни обдон ўйлаб, «тарозига солиб», эшитаётган одамнинг кимлигини ва қандайлигини яхши билиб айт. Жамиятда шундай ярамас одамлар ҳам борки, улар сенга ўзини дўст қилиб кўрсатиб, пинжингга кириб, айтган у ёки бу сўзингни ўғирлайди-да, унга бошқача «тўн кийгизиб», тегишли жойга етказади ё эл-юрт ўртасида ёяди. Оқибат-натижада сенинг шарманданг чиқади, ҳатто бирор балога гирифтор бўлиб кетасан. Шунинг учун сўз ўғриларидан эҳтиёт бўл, ҳар бир гапингни ҳар кимга айтаверма!» деган маънода насиҳат қиладилар.

## МОЛ ЭГАСИГА ЎХШАМАСА ҲАРОМ ЎЛАДИ

Хотинда эрнинг, эрда хотиннинг, ўғил ё қизда ота-онанинг ёмон феъл-атвори, зиқна-хасислиги, дилозорлиги, қўрслиги, баднафслиги, таъмагирлиги... бўлса, унга нисбатан шу мақолни киноя тарзида айтадилар. «Мол эгасига тортмаса, байталмон бўлади», деб ҳам ишлатадилар. Бундаги «байталмон» асли «байтулмол» бўлиб, кейинчалик талаффузга мослаб шундай деб кетилган. Байтулмол — давлат хазинаси, ғазна: давлат ихтиёрига ўтган мол-мулк ва шундай мол-мулк сақланадиган махсус бино. Ўтмишда ҳукм сурган қонун-қоидалардан бири шу эдики, масалан, агар бир одам ўзга юртга ё ўз юртида ўлиб-нетиб қолса-ю унинг меросхўри бўлмаса ёхуд топилмаса, марҳумнинг мол-мулки мусодара қилиниб, давлат ихтиёрига олиб қўйилар эди. «Байталмон қолгур!» деган қарғиш сўз: «Ҳа, эганг ўлиб, эгасиз қолгур!» деган маънодадир. Юқоридаги мақолда ҳам «байталмон бўлади» дейиш билан «эгасиз қолиб, мусодара бўлиб кетади», демоқчи бўлганлар.

**Тендерная комиссия ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» объявляет тендер №1 на 2004 год на приобретение ниже перечисленных материалов, запасных частей и оборудования по лотам:**

*Лот 1: Автомотриса АГД-1М для служб СЦБ, оборудованная специальными приспособлениями — 2 единицы.*

*Лот 2: Автомотриса дизельная монтажная АДМ-1,5 для обслуживания контактной сети — 4 единицы.*

*Лот 3: Подкладки КБ-65 — 3000 тонн.*

*Лот 4: Переводные брусья деревянный пропитанные А3 тип 1, ГОСТ 8816-70 — 200 комплектов.*

*Лот 5: Шпалы деревянные пропитанные каменноугольным маслом тип 1 А, ГОСТ 78-89 — 100 000 штук.*

*Лот 6: Колеса цельнокатанные РУ1- 950 мм ступица 175 мм. — 2000 штук.*

*Лот 7: Автосцепка СА-3-106.01.000-Осб — 1000 штук.*

*Лот 8: Станок специальный фрезерный для обработки надрессорной балки и рамы боковой модель УФ 5527 — 4 штук.*

*Лот 9: Тележка грузовая 18-100 без колесной пары — 200 штук.*

*Лот 10: Чугун передельным марки ПЛ-1, ПЛ-2 ГОСТ 905-95 — 1000 тонн.*

*Лот 11: Кокс каменноугольный литейный фракции +40+60 ГОСТ 3340-88 — 1000 тонн.*

*Лот 12: Тяговый электродвигатель НБ-418-Кб — 24 штуки.*

*Лот 13: Рафомет УВВ — 150 (колесо токарный станок) — 4 штуки.*

*Лот 14: Станок А-41 для обточки колесных пар — 4 штуки.*

*За тендерной документацией обращаться по адресу: г. Ташкент, ул Т.Шевченко, 7,ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари», Управление «Темерйўлэнилгитаъмин», комната 410.*

*Телефон: 138-85-70, 138-88-03, 138-84-72.*

*Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней со дня опубликования объявления в средствах массовой информации.*

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Alijon ABDURAHMONOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 464
13418 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA